

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХОДЖАЕВ АНВАР ЗАКИРОВИЧ

**МАЛАКАЛИ ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАРДА ДАСТ КЎТАРИШ
ТЕХНИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ходжаев Анвар Закирович

Малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш техникасини
такомиллаштириш.....3

Ходжаев Анвар Закирович

Совершенствование техники рывка у квалифицированных
тяжелоатлетов.....27

Khodjaev Anvar Zakirovich

Optimalization of volume and loading, training methods of weightlifters' at the
stage of sport improving.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХОДЖАЕВ АНВАР ЗАКИРОВИЧ

**МАЛАКАЛИ ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАРДА ДАСТ КЎТАРИШ
ТЕХНИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2. PhD/Ped/477 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Баязитов Камил Фаритович

педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Кошбахтиев Ильдар Ахмедович

педагогика фанлари доктори, профессор

Акрамов Жасур Анварович

педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Нукус давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2019 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Д.Халмухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.С.Тажibaев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (DSc), доцент

Б.Б.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда спорт пайдо бўлибдики, у халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи қудратли куч сифатида хизмат қилиб келмоқда. Шу боис ҳам давлатлар ўртасида тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш каби шарафли ишларни ташкил этишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Спорт инсоннинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишида муҳим омиллардан бирига айланган. Бугунги кунда спортчиларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларни қўлга киритишлари дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори, спорт салоҳияти ва ютуқлари ошиб боришини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламли ишларнинг амалга оширилишига хизмат қилиб келмоқда.

Жаҳонда турли малакага эга оғир атлетикачиларни тайёрлаш соҳасида уларнинг техник тайёргарлик даражасини ошириш бўйича қатор йўналишларда, жумладан, оғир атлетикачиларнинг техник маҳоратини оширишда машғулотлар юкламаларини тақсимлаш ва режалаштириш, мусобақа ва махсус машқларни бажаришда ҳаракатларни бошқариш ва уларни биомеханик таҳлил қилиш, машғулот юкламаларининг техник тайёргарликка таъсири, даст кўтариш техникасини такомиллаштиришда махсус ёрдамчи машқларни саралаш ва уларнинг мусобақа машқларининг биомеханик тузилишига таъсир кўрсатишини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ малакали оғир атлетикачиларда махсус тренажер орқали машғулот юкламаларининг шиддат зоналарида даст кўтаришнинг финал тезланиш фазасида штангани кўтариш баландлиги ва тизза бўғимининг ёзилиш бурчагини ошириш, шунингдек, финал тезланиш фазасида даст кўтариш техникасини бажаришда иштирок этувчи қўллар мушаклари кучини ошириш ҳисобига даст кўтариш техникасини такомиллаштириш юзасидан илмий ишлар олиб борилмаган. Разрядли ва юқори малакали оғир атлетикачиларнинг тана тузилишларини инобатга олган ҳолда жисмоний тайёргарлигини ошириш ҳисобига даст кўтариш машқини бажариш техникасини такомиллаштириш масалалари ҳам тадқиқотчилар назаридан четда қолган.

Республикамизда спорт соҳасида спортчиларнинг табиий қобилиятларини рўёбга ошириш ва ривожлантириш, ёшлар орасидан профессионал спортга иқтидорли спортчиларни жалб этиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис республикамизда спортни оммавийлаштириш ва юқори спорт ютуқларини ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. “Ёш авлодни ҳар томонлама етук этиб тарбиялаш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда”¹. Ўзбекистон спортчилари

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарори <http://Lex.uz>

жаҳон спорт майдонларида улкан муваффақиятларга эришиб, ҳақли равишда тан олиниб келмоқда. Шу жумладан, ўзбек спорти шарафини дунёга ёйишда оғир атлетикачиларнинг ҳам хизматлари беқиёсдир. Маълумки, спортчиларнинг юқори нитажаларга эришиши уларнинг жисмоний ва техник тайёргарликлари даражасига боғлиқ. Бугунги кунда барча ўтказилган тадқиқот ишларида юқори малакали оғир атлетикачилар томонидан мусобақа машқларини техник маҳорат билан амалга оширишни такомиллаштиришда комплекс ёндашув услубларидан фойдаланиш тавсия этилган. Бироқ малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш техникасини такомиллаштиришда штангани кўтариш баландлигини оширишга йўналтирилган махсус ёрдамчи машқлардаги машғулот юкламаларини турли шиддат зоналари бўйича тақсимлаш ва режалаштириш аҳамияти ва унинг самарадорлигини аниқлаш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар ўтказилмаган. Бундан ташқари, малакали оғир атлетикачиларнинг техник ва куч хусусиятларини эътиборга олган ҳолда шиддат зоналарида штангани кўтариш баландлиги ва тизза бўғимининг ёзилиш бурчакларининг оптимал кўрсаткичлари бўйича илмий-педагогик жиҳатдан асослаб берилган мезон ишлаб чиқилмаган. Юқоридагиларни инобатга олиб, бугунги кунда малакали оғир атлетикачиларнинг жисмоний имкониятлари ва техник маҳоратини ошириш ҳисобига мусобақаларда катта оғирликларни забт этиш масалалари долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармони, 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этишга тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ-2821-сонли Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика ва фан технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, инновацион иқтисодиётини шакллантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Даст кўтаришнинг финал тезланиш фазасида штангани кўтариш баландлигига тааллуқли масалалар бошқа фазаларга қараганда жуда ҳам кўп тадқиқ қилинган. Бу борада М.С.Хлистов, А.В.Черняк, Р.А.Роман, А.Н.Сурков, Л.С.Дворкин ва бошқалар ушбу масалага фақат оғирлик катталиги, кўтаришлар ва уринишлар сони, шунингдек, оғир атлетикачилар малакасини эътиборга олган ҳолда оғир атлетика машқлари техникасини комплекс ҳолда чуқур таҳлил қилиш орқали

ойдинлик киритиш мумкин бўлади, деб таъкидлашган².

Бир қатор муаллифлар А.В.Черняк, А.В.Паков, А.Н.Воробьев, В.И.Фролов, Р.А.Роман, Н.Д.Ге, Р.М.Маткаримов, Д.Ф.Ким, К.Ф.Баязитов, Л.С.Дворкин ва бошқалар штангани кўтариш баландлиги борасида шуни асослаб берганларки, максимал оғирликдаги штангани кўтариш баландлиги оғир атлетикачининг бўйига нисбатан 69-70%ни ташкил этади³.

Кўллар мушаклари кучларини ривожлантиришда А.В.Черняк, А.В.Паков, А.Н.Воробьев, В.И.Фролов, Р.А.Роман, Н.Д.Ге, Р.М.Маткаримов, Д.Ф.Ким, К.Ф.Баязитов, Л.С.Дворкин ва бошқалар штангани тик турган ҳолда даст кўтаришдаги ушлаш билан юқорига кўтариш машқидан фойдаланишни, кўллар мушаклари кучини аниқлашда эса силтаб кўтариш кенглигида ушлаб, кўкракдан юқорига кўтариш машқини кўллашни тавсия қиладилар⁴.

Ватанимиз олимлари А.В.Паков, К.Ф.Баязитов, Р.М.Маткаримов ва бошқалар юқори малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш машқини бажариш техникасини оширишда 70-80% оғирликларни даст кўтаришда тик ҳолатга қабул қилиш, 80-90% оғирликларни тортиш машқларида кўллашни тавсия этган⁵.

Оғир атлетикада даст кўтариш машқи олимпия иккикурашининг техник жиҳатдан энг мураккаб машқларидан бири ҳисобланади. Сўнги

²Хлыстов М.С. Экспериментальное исследование влияния тренировочных нагрузок на технику выполнения тяжелоатлетических упражнений: Автореф. дисс. ... кан.пед.наук. - М.: 1976, 20 с., Черняк А.В. Методика планирования тренировки тяжелоатлета. - М.,1978, 135 с., 228 с., Роман Р.А. Тренировка тяжелоатлета. 2-е изд. М.; ФКиС, 1986. 174 с., Сурков А.Н. Формирование вариативной техники тяжелоатлетических упражнений : автореф. дис. ... канд. пед. наук / С.-Петербург. гос. акад. физ. культуры им. П.Ф. Лесгафта. СПб., 1999. - 22 с., Дворкин Л.С. Методика подготовки юного тяжелоатлета. учеб, Тяжелая атлетика, 2-изд., М.«Юрайт»-2017 г. 124 с.

³ Черняк А.В. Методика планирования тренировки тяжелоатлета. – М.,1978, 135 с., Паков А.В. Экспериментальное обоснование оптимальных тренировочных нагрузок тяжелоатлетов-разрядников, имеющих различный уровень физической и технической подготовленности. дисс ... кан.пед.наук М.:1978, 228 с., Воробьев А.Н. Тяжелая атлетика - 4-е изд., перерас. - М., ФиС, 1988. – 240 с., Фролов В.И. Оптимальная фазовая структура выполнения рывка тяжелоатлетами высокой квалификации. –В сб.: Тяжелая атлетика. - М., 1977, с. 52-55., Роман Р.А. Тренировка тяжелоатлета. 2-е изд. М.;ФКиС, 1986. 174 с., Ге Н.Д., Тютеебаев Б.Х. Экспериментальное обоснование методики отбора специально-подготовительных упражнений тяжелоатлетов // Вестник физической культуры. Алматы, 2002. – с.71-75, Маткаримов Р.М., Ким Д.Ф. Тяжелая атлетика: Программа и учебное пособие для ДЮСШ, СДЮШОР. – Ташкент: Лидер-пресс, 2007. 120 с., Ким Д.Ф. Тяжелая атлетика. Учебное пособие – Т.:Лидер Пресс, 2010 – 142 с., Баязитов К.Ф. Повышение спортивно педагогического мастерства в тяжелой атлетике. Учеб. пособ. –Т., 2011, 138 с., Дворкин Л.С. Тяжелая атлетика, методика подготовки юного тяжелоатлета. учеб, 2-изд., М. «Юрайт»-2017 г. 124 с., Маткаримов Р.М., Ходжаев А.З., Умирзаков Ф.У., Қаюмов Б.У. ва бошқ. Оғир атлетика назарияси ва услубияти/ Дарслик. Тошкент, 2018. 248 бет.

⁴ Черняк А.В. Методика планирования тренировки тяжелоатлета. - М.,1978, 135 с., Паков А.В. Экспериментальное обоснование оптимальных тренировочных нагрузок тяжелоатлетов-разрядников, имеющих различный уровень физической и технической подготовленности. дисс ... кан.пед.наук М.:1978, 228 с., Воробьев А.Н. Тяжелая атлетика - 4-е изд., перерас. - М., ФиС, 1988. – 240 с., Фролов В.И. Оптимальная фазовая структура выполнения рывка тяжелоатлетами высокой квалификации. – В сб.: Тяжелая атлетика. - М., 1977, с. 52-55., Роман Р.А. Тренировка тяжелоатлета. 2-е изд. М.;ФКиС, 1986. 174 с., Ге Н.Д., Тютеебаев Б.Х. Экспериментальное обоснование методики отбора специально-подготовительных упражнений тяжелоатлетов // Вестник физической культуры. Алматы, 2002. – с.71-75, Маткаримов Р.М., Ким Д.Ф. Тяжелая атлетика: Программа и учебное пособие для ДЮСШ, СДЮШОР. – Ташкент: Лидер-пресс, 2007. 120 с., Ким Д.Ф. Тяжелая атлетика. Учебное пособие – Т.:Лидер Пресс, 2010 – 142 с., Баязитов К.Ф. Повышение спортивно педагогического мастерства в тяжелой атлетике. Учеб. пособ. –Т., 2011, 138 с., Дворкин Л.С. Тяжелая атлетика, методика подготовки юного тяжелоатлета. учебник 2-изд., М. «Юрайт»-2017 г. 124 с., Маткаримов Р.М., Ходжаев А.З., Умирзаков Ф.У., Қаюмов Б.У. ва бошқ. Оғир атлетика назарияси ва услубияти/ Дарслик. Тошкент, 2018. 248 бет.

⁵ Паков А.В. Экспериментальное обоснование оптимальных тренировочных нагрузок тяжелоатлетов-разрядников, имеющих различный уровень физической и технической подготовленности. Дисс ... кан.пед.наук М.:1978, 228 с., Баязитов К.Ф. Повышение спортивно педагогического мастерства в тяжелой атлетике. Учеб. пособ. – Т., 2011, 138 с., Маткаримов Р.М., Ходжаев А.З., Умирзаков Ф.У., Қаюмов Б.У., ва б.к. Оғир атлетика назарияси ва услубияти/ Дарслик., 2018. 248 бет.

йиллардаги адабиётларда бу машқ техникаси комплекс инструментал услубиятлар ҳамда тизимли-тузилмавий ёндашувдан фойдаланган ҳолда ўрганилган. Даст кўтариш техникасининг оптимал модели ишлаб чиқилган, бутун ҳаракатни оқилона бажаришга қўйиладиган талаблар аниқлаб берилган. Бироқ ҳозирги кунгача турли шиддат зоналарида штангани кўтариш баландлигини оптималлаштиришга йўналтирилган махсус ёрдамчи машқлар кўмагида даст кўтаришни бажариш техникасини оширишга тааллуқли масалалар етарлича ёритилмаганлиги ҳамда даст кўтаришда қўллар мушаклари кучини ривожлантириш ва унинг қобилиятини аниқлаш учун машқлар танлаб олинмаганлиги аниқланди. Шу сабабли малакали оғир атлетикачиларни тайёрлашда машғулотлар самарадорлигини ошириш учун даст кўтариш машқидаги штанга кўтариш баландлигини оширишга йўналтирилган махсус ёрдамчи машқлардаги машғулот юкламалари таъсирини ўрганиш ўта долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзДЖТСУнинг 2016-2019 йилларга мўлжалланган ИТИ режасининг “Ўзбекистон терма жамоаларида юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” илмий тадқиқотлари йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малакали оғир атлетикачиларда даст кўтаришни бажариш техникасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

даст кўтаришни бажаришда штангани кўтариш баландлигини оширишга йўналтирилган тренажер ишлаб чиқиш ҳамда унинг оғир атлетикачиларнинг техник ва жисмоний тайёргарлигига таъсирини аниқлаш;

спорт такомиллашуви гуруҳларидаги оғир атлетикачиларнинг тайёргарлик ва мусобақа олди циклидаги машғулот юкламалари динамикасини аниқлаш;

малакали оғир атлетикачиларнинг техник тайёргарлиги ва маҳоратини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш (шиддат зоналари бўйича штангани кўтариш баландлиги ва тизза бўғимининг ёзилиш бурчаги (°));

ўқув-машғулот жараёнида даст кўтариш техникасини такомиллаштиришга йўналтирилган махсус ёрдамчи машқлардаги машғулот юкламаларини турли шиддат зоналарида режалаштиришнинг оптимал услубиятини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини тажрибада асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида малакали оғир атлетикачиларнинг техник тайёргарлик жараёни олинган.

Тадқиқот предметини малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш машқи техникасини такомиллаштиришга йўналтирилган махсус ёрдамчи машқлардан ўқув-машғулотларида фойдаланиш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, педагогик кузатув, педагогик тестлаш,

пульсометрия, инструментал услуб, педагогик тажриба ва математик статистика услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оғир атлетикачиларнинг техник ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш учун “ХМ-rten” тренажери ишлаб чиқилган ва ундан махсус ёрдамчи машқ сифатида фойдаланиш даст кўтариш машқининг финал тезланиш фазасида ҳаракатларни бажариш техникасини тез ўзлаштириб олишга ва ҳаракат маҳоратини оширишга, шунингдек, иккикураш натижаларининг самарали ўсишига таъсири аниқланган;

спорт такомиллашуви гуруҳларидаги оғир атлетикачиларнинг тайёргарлик ва мусобақа олди циклида даст кўтариш техникасини такомиллаштиришга йўналтирилган махсус ёрдамчи машқлардаги машғулот юкламалари динамикаси аниқланган;

тажриба натижаларига асосан малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш машқининг финал тезланиш фазасини бажаришда шиддат зоналари бўйича штангани кўтариш баландлиги ва тизза бўғимининг ёзилиш бурчагининг янги кўрсаткичлари аниқланган;

даст кўтариш машқининг финал тезланиш фазасини бажариш техникасини такомиллаштиришга йўналтирилган махсус ёрдамчи машқлардаги машғулот юкламаларини шиддат зоналари бўйича режалаштириш услубияти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

оғир атлетикачиларда жисмоний ва техник тайёргарлик даражасини оширишда, жумладан, даст кўтаришнинг финал тезланиш фазасида иштирок этувчи қўллар мушаклари кучини ривожлантириш ва унинг ҳисобига даст кўтаришни бажариш техникасини такомиллаштиришга мўлжалланган “ХМ-rten” тренажери ишлаб чиқилган ва ўқув-машғулотларга жорий этилган;

малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш машқининг финал тезланиш фазасини бажариш техникасини такомиллаштиришга йўналтирилган махсус ёрдамчи машқлардаги машғулот юкламалари оптимал ҳажм кўрсаткичлари аниқланиб, ўқув-машғулот жараёнига жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги билиш назарияси услубияти (диалектик билиш услуби) ҳамда мамлакатимиздаги ва хорижий мамлакатларнинг, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт назарияси амалиёти соҳасида хизмат кўрсатган амалиётчи тренерларнинг илмий қарашлари билан асосланган. Бир-бирини ўзаро тўлдирадиган, тадқиқотнинг вазифаларига мос келадиган тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, тадқиқот натижаларининг сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тадқиқот ишлари ва синовларнинг ошқоралиги, тадқиқот натижаларига ишлов беришда математик статистика услубларининг қўлланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўтказилган тадқиқот натижалари асосида малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш машқининг финал тезланиш фазасини бажариш техникасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар уларнинг техник ва жисмоний тайёргарлигини оширишга ҳамда машғулот жараёнини оптималлаштиришга имкон яратган.

Амалий аҳамияти оғир атлетикачиларда даст кўтариш машқининг финал тезланиш фазасини бажариш техникасини такомиллаштиришда штангани кўтариш баландлигини, тизза бўғимининг ёзилиш бурчагини (°) ошириш, шунингдек, даст кўтаришда кўллар мушаклари кучини ошириш ва унинг қобилиятини аниқлашда махсус ёрдамчи машқ сифатида “ХМ-rten” тренажерининг кўлланилиш самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малакали оғир атлетикачиларда даст кўтаришни бажариш техникасини такомиллаштириш услубиятини ишлаб чиқиш юзасидан ўтказилган тажрибалар асосида:

оғир атлетика бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси спортчиларининг техник ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш учун ўқув-машғулот жараёнига “ХМ-rten” тренажери (муаллифлик ҳуқуқини руйхатга олиш рақами 001175) жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 7 февралдаги 01-07-15-505-сон маълумотномаси). Натижада оғир атлетикачиларда даст кўтаришда кўлларни букувчи мушак кучининг 17,2% ошганлиги ҳисобига максимал оғирликда штангани кўтариш баландлиги спортчиларнинг максимал бўй баландлигига нисбатан ўртача 73,0%га, бунда тизза бўғимларининг ёзилиш бурчаклари 170,0 градусга ошганлиги сабабли мусобақа даст кўтариш машқига бериладиган имкониятлардан муваффақиятли фойдаланиш 13,0%га ошган;

махсус ёрдамчи машқлардаги машғулот юкламаларининг ҳафталар бўйича оптимал нисбатлари Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети спорт педагогик маҳоратини ошириш гуруҳида шуғулланувчи оғир атлетикачиларнинг ўқув-машғулотлари жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 7 февралдаги 01-07-15-505-сон маълумотномаси). Натижада оғир атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлик ва техник маҳорати даражаси, спорт натижалари 11,0%га ўсган, шу қаторда 5 нафар спорт устаси тайёрланган;

Чирчиқ ихтисослашган олимпия захиралари мактаб-интернати оғир атлетикачиларида финал тезланиш фазасида даст кўтаришни бажариш техникасини такомиллаштиришга йўналтирилган махсус ёрдамчи машқлардаги машғулот юкламаларини шиддат зоналари бўйича режалаштириш услубияти жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 7 февралдаги 01-07-15-505-сон маълумотномаси). Натижада даст кўтариш машқи малакали оғир атлетикачиларнинг техник тайёргарлигини такомиллаштириш ҳисобига

ҳалқаро мусобақаларда 2 та олтин, 1 та кумуш, республика мусобақаларида 5 та олтин, 6 та кумуш ва 5 та бронза медаллари қўлга киритилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 илмий-услубий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 бобдан иборат бўлиб, 120 саҳифалик матн, 17 та расм, 20 та жадвал хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг зарурияти, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот услублари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ва уларнинг жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Даст кўтаришни бажариш техникасини такомиллаштириш муаммоларининг ўрганилганлик ҳолати”** деб номланган биринчи бобида оғир атлетика спорт турида мусобақа даст кўтариш машқини бажариш техникасини такомиллаштиришга бўлган замонавий қарашлар, спорт ҳаракатлари техникасининг барқарорлиги ва вариантлилиги, штангани кўтариш баландлиги бўйича техникани баҳолаш мезони, даст кўтариш машқининг алоҳида даврлари ва фазалари техникасини такомиллаштириш, штанга вазнининг оғир атлетика машқлари координативон тузилмасига таъсири, жисмоний тайёргарлик тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Спорт маҳоратини оширишда машқнинг техникасини оптимал даражада ошириш учун юкламалар ва оғирликлар вазни бир хил бўлмаган катталикларни қўллаш бўйича тавсиялар мавжуд. Бунда, тортиш ва ўтириб туриш машқларидан ташқари, қолган машқларда энг катта оғирликка нисбатан 88-92% вазнларда техник маҳоратнинг ижобий ошиши таъкидланган. Айтиш мумкинки, оғир атлетика бўйича илмий-услубий

адабиётларда машқлар техникаси параметрларининг кўтарилаётган штанга вазнига ўзаро боғлиқлиги муаммоси етарлича кенг ва тўлиқ баён этилган. Юқори малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш техникасини такомиллаштиришда кўтаришлар ва уринишлар сони тўғрисидаги масала ҳам батафсил ёритилган. Бироқ ҳозирги кунгача малакали оғир атлетикачилар томонидан даст кўтаришни бажаришда шиддат зоналарида штанга кўтариш баландлиги тўғрисида ягона фикр йўқ.

Ҳозирги пайтда юқори малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш техникасини такомиллаштириш тўғрисидаги масала етарлича ҳар томонлама ўрганиб чиқилган, бироқ, малакали оғир атлетикачиларда бу машқ техникасини такомиллаштириш услубиятининг ўзига хос хусусиятлари етарлича ўрганилмаган.

Илмий ва услубий адабиётларда [М.С.Хлистов, 1976; А.В.Черняк, 1978; Р.А.Роман, 1986; И.П.Сивохин, 2009; Н.Д.Ге ва Б.Х.Тютебаев, 2002; Д.Ф.Ким, 2010 К.Ф.Баязитов, 2011; Л.С.Дворкин, 2017; Р.М.Маткаримов, А.З.Ходжаев, Ф.У.Умирзаков, Б.У.Қаюмов, Х.Б.Хакимов, С.А.Юнусов, М.У.Арзикулов, С.Ф.Абдураззаков, 2018 ва бошқ.] жисмоний тайёргарликни аниқлаш бўйича кўп сонли назорат машқлари келтирилади, уларни оғир атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлигини ташхислашда қўллаш мумкин. Улар орасида юқорига сакраш машқлари, шунингдек, штанга билан бажариладиган машқлар бор. Бундан ташқари, тадқиқотларда қуйидаги машқлар тез-тез қўлланилади: штанга билан ўтириб-туришлар, тортишлар, тизза даражасидан даст кўтариш ва ҳ.к. Бу машқлардаги кўрсаткичлар спорт натижалари билан юқори даражада боғлиқликка эга.

Амалиётни ўрганиш давомида олинган хулосаларга келсак, улар, табиийки, реалликка яқин, бироқ бу ҳам машғулотдаги барча таъсирларни ифода этувчи машғулот юкламаларининг фақат бир қисми, холос. Шиддат зоналарида штангани такроран кўтаришлар сонини ёки умумий машғулот юкламасини ҳисобга олмаслик олинган маълумотларнинг ахборотлигини кескин пасайтириб юборади.

Оғирлик катталигининг танлаб олиниши нафақат кучнинг ривожланиш самарадорлигига, балки ҳаракат кўникмасини ўзлаштириш даражасига ва оғир атлетикачи ҳолатининг бошқа тавсифлари ўзгариши даражасига ҳам боғлиқ бўлиши керак.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг услублари ва унинг ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг услублари, тадқиқотнинг ташкил қилиниши, “ХМ-tren” тренажерининг тузилиши ва функцияси ёритиб берилган. Тадқиқот уч босқичдан иборат бўлди.

I босқич (2017 йил февралдан октябргача) - оғир атлетикачиларнинг техник тайёргарлигига оид илмий-услубий адабиётларни ва оғир атлетикачиларни машқ қилдиришдаги амалий тажрибани ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш ҳамда умумлаштиришдан иборат бўлди. Тўпланган материалларда малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш машқини бажариш техникасини такомиллаштиришга қаратилган махсус ёрдамчи

машқлар арсеналида, айнан, даст кўтариш машқида кўл мушак кучини ошириш ва уни аниқлаш воситаси йўқлиги сабабли даст кўтариш машқидаги финал тезланиш фазасидаги ҳаракатга ўхшаш ҳаракатда кўллар мушаклари кучини ошириш ва уни аниқлаш бўйича тренажер ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

II босқич (2017 йил ноябрдан 2018 йил январь ойларигача) - даст кўтариш техникасини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий адабиётларни ва оғир атлетикачиларни машқ қилдиришдаги амалий тажрибани умумлаштириш орқали ишлаб чиқилган тавсияларни инobatга олган ҳолда оғир атлетикачиларнинг техник маҳорати ва жисмоний тайёргарлик ҳолатини аниқлаш бўйича эксперт гуруҳи аъзолари таркибини шакллантириш ва улар ёрдамида тажрибада кўлланиладиган воситалар ҳамда назорат машқларини танлаш, шунингдек, малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш машқини бажариш техникасини такомиллаштириш юзасидан ўтказилган тажриба иштирокчиларини тест орқали техник ва куч турдаги гуруҳларга саралаб олиш. Оғир атлетикачиларнинг техник маҳорати штангани кўтариш баландлиги, тизза бўғимининг ёзилиш бурчаги ва штанганинги йўналиш траекторияси бўйича MVN BIOMECH Awinda дастури асосида биомеханик параметрларни қайд қилиш орқали аниқланди. Машғулот юкламаларининг оғир атлетикачилар организмига таъсири ЮҚС бўйича пульсоксиметр ускунаси асосида ҳамда жисмоний тайёргарлик ҳолати назорат машқлари орқали аниқланди. Мазкур бобда тадқиқотнинг услублари, фойдаланилган назорат машқларининг моҳияти ва мазмуни, уларни кўллаш услубияти ва шартлари батафсил ёритилган.

Педагогик тажрибани ташкил қилиш ва ўтказиш муддатлари, тадқиқотларда иштирок этган малакали оғир атлетикачиларни саралаб олиш шартлари, тартиби, тажрибада иштирок этган назорат (НГ) ва тажриба гуруҳларида (ТГ) назорат машқларини ўтказиш услубияти изоҳланган ва ёритилган.

III босқич (2018 йил учун февраль-апрель ойлари) - тадқиқотнинг назорат гуруҳида анаънавий усулда ўтказилган машғулотлар кузатувга олинди. Июль-сентябрь ойларида тажриба гуруҳида тадқиқотни ўтказиш учун ишлаб чиқилган машғулот режаси асосида табиий шароитда ўтказилди. Ушбу бобда тажриба давомида ТГда биз томонимиздан ишлаб чиқилган даст кўтариш техникасини такомиллаштиришга мўлжалланган махсус ёрдамчи машқлар юкламаларини турли шиддат зоналарида тақсимлаш (бажариш сони ва шартлари) изоҳлаб берилган.

Жисмоний ва техник тайёргарлик мезонлари, олинган натижаларнинг ишончилиги, ахборотлилиги ва объективлиги бир хил услубий стандарт принципига риоя қилиш асосида ўтказилган назорат машқлари синовлари ёрдамида аниқланган.

Диссертациянинг **“Малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш техникасини такомиллаштиришга йўналтирилган машғулот юкламаларини режалаштириш”** деб номланган учинчи бобида малакали

оғир атлетикачиларда даст кўтариш техникасини такомиллаштиришга йўналтирилган парциал машғулот юкламалари, уларни шиддат зоналари бўйича режалаштириш хусусиятлари юзасидан маълумотлар келтирилган. Асосий машқлар гуруҳларидаги машғулот юкламалари ҳажми бўйича олинган маълумотлар мусобақадан олдин ўн икки ҳафталик тайёргарлик мазмунини ифодалайди. Бу тайёргарлик икки циклга бўлинган: саккиз ҳафталик тайёргарлик цикли (ТЦ) ва тўрт ҳафталик мусобақа олди цикли (МОЦ).

Педагогик тажрибада асосий машқлар гуруҳидаги машғулот юкламаларини 1-жадвалдан батафсил кўриб чиқамиз. Педагогик тажрибанинг тайёргарлик циклида тажриба гуруҳининг барча оғир атлетикачилари учун биринчи 4 ҳафта давомида саккизта асосий машқлар гуруҳида юкламани 1436 марта штанга кўтариш сонидан (ШКС) тақсимлаш режалаштирилган. Ундан 1008 марта ШКСдан иборат машғулот юкламасини махсус ёрдамчи машқларда бажариш режалаштирилган. Иккинчи 4 ҳафтада 1326 марта ШКС, ундан 898 ШКС махсус ёрдамчи машқларга ажратилган. Мусобақа олди циклида машғулот дастуридан урта махсус ёрдамчи машқлар: тизза баландлиги даражасидан даст кўтариш, кўкракка кўтариш ва кўкракдан силтаб кўтариш машқларида машғулот юкламаси режалаштирилмади. Уларнинг юкламаси мусобақа машқларига тақсимланди. Мусобақа олди циклида асосий олти та машқлар гуруҳида 1044 марта ШКС режалаштирилган бўлиб, ундан 404 марта ШКС махсус ёрдамчи машқларга тақсимланган.

Тажриба гуруҳи оғир атлетикачиларида тайёргарлик циклининг 1-4 ҳафтасида энг катта ҳамждаги машғулот юкламаси жойдан гимнастика отига сакраб чиқишда режалаштирилди - 240 ± 9 марта. Қолганлари қуйидагича тақсимланди: ўтириб-туришларда - 200 ± 15 марта, тортишларда - 192 ± 6 марта, “ХМ-tren” тренажерда - 200 ± 8 марта, мусобақа даст кўтаришда - 128 ± 14 марта ва даст кўтариш машқларида - 176 ± 8 марта, мусобақа силтаб кўтаришда - 116 ± 6 марта ва силтаб кўтариш машқларида - 184 ± 12 марта. 5-8 ҳафтада энг катта юклама турган жойдан гимнастика отига сакраб чиқишда режалаштирилди - 240 ± 12 марта, қолганлари қуйидагича тақсимланди: тортишларда - 192 ± 6 марта, “ХМ-tren” машқни тренажерда бажариш - 176 ± 6 марта, ўтириб-туришларда - 170 ± 12 марта, мусобақа даст кўтаришда - 152 ± 9 марта ва даст кўтариш машқларида - 120 ± 6 марта, мусобақа силтаб кўтаришда - 148 ± 14 марта ва силтаб кўтариш машқларида - 128 ± 11 марта.

Мусобақа олди циклида махсус ёрдамчи машқларга энг кўп миқдорда ШКС тақсимланди: мусобақа даст кўтаришда - $320 \pm 11,0$ марта; мусобақа силтаб кўтаришда - $320 \pm 8,0$ марта, қолганлари қуйидагича тақсимланди: тортишларда - $160 \pm 10,0$ марта, ўтириб-туришларда - $160 \pm 10,0$ марта, турган жойдан гимнастика отига сакраб чиқишда - $60 \pm 7,0$ марта, “ХМ-tren” тренажерда машқни бажаришда - $54 \pm 4,0$ марта.

1-жадвал
Тажриба гуруҳининг малакали оғир атлетикачиларида турли хил тайёргарлик циклларидаги машғулот юкламалари ҳамжининг режалаштирилиши (n=32)

Цикллар	Хафта-лар	Асосий машқлар гуруҳи										Умумий ҳамжи	Махсус ёрдамчи машқлар-нинг умумий ҳамжи
		Мусобақа машқлари		Махсус ёрдамчи машқлар									
		Даст кўтариш	Силтаб кўтариш	Силтаб кўтариш машқлари	Тизза баланд-лиги даража-сидан Дк	Тортиш-лар	Ўтириб туриш-лар	“ХМ-trep”	Юқорига сакраш-лар				
Тайёргарлик (ТЦ)	1-4	128±14,0	176±8,0	116±6,0	184±12,0	192±6,0	200±15,0	200±8,0	240±9,0	1436±11,0	1008±1,8		
	5-8	152±9,0	120±6,0	148±14,0	128±11,0	192±6,0	170±12,0	176±6,0	240±12	1326±9,5	898±1,6		
Мусобақа олди (МОЦ)	9-12	320±11,0		320±8,0		160±10,0	160±10,0	54±4,0	60±7,0	1074±11,2	434±0,6		
	Жами:	600±11,3	296±7,6	584±12,6	312±11,5	544±7,3	530±12,3	430±5,0	540±9,3	3836±10,6	2340±4,1		


Изоҳ 1. Машқлар гуруҳларидаги машғулот юкламалари ҳамжи штангани кўтариш сонда (ШКС) берилган

Мусобақа машқларида энг катта ҳажмдаги машғулот ишини 4-шиддат зонасида (81-90%) бажариш режалаштирилди. Бу эса умумий юклама ҳажмига нисбатан 33,5%ни, махсус ёрдамчи машқларда (тортишлар, ўтириб-туришлар, “ХМ-tren”, юқорига сакраш) умумий ҳажмга нисбатан 57,6%ни ташкил этди, бу эса назорат гуруҳига нисбатан 5,3%га кўпроқ.

Тайёргарлик циклида юкламаларнинг парциал ҳажмлари қуйидагича режалаштирилди: мусобақа даст кўтариш машқи умумий ҳажмга нисбатан -10,1%, ШКС 280 марта, тиззадан даст кўтариш машқи - 10,7%, ШКС 296 марта, силтаб кўтариш машқлари - 20,8%, ШКС 576 марта, тортишлар -13,9%, ШКС 544 марта, ўтириб-туришлар -13,3%, ШКС 370 марта, “ХМ-tren” - 13,6%, 376 марта, юқорига сакрашлар - 17,4%, 480 марта.

Мусобақа олди циклида юкламаларнинг парциал ҳажмлари қуйидагича режалаштирилди: мусобақа даст кўтариш машқи умумий ҳажмга нисбатан 29,8%, ШКС 320 марта; тортишлар - 14,9%, ШКС 160 марта, ўтириб-туришлар - 14,9% ШКС 160 марта, “ХМ-tren” - 5,0%, 54 марта ва турган жойдан юқорига сакраш – 5,6%, бу 60 марта.

Юкламаларнинг парциал ҳажмларини режалаштиришда биз адабиётлардаги маълумотларга, тажрибали тренерларнинг тавсияларига ҳамда шахсий амалий тажрибамизга таяндик. Бир томондан, мусобақа машқлари, иккинчи томондан, даст кўтариш машқлари, учинчи томондан, махсус-ёрдамчи машқлардаги юкламаларнинг умумий ҳажми умумий штанга кўтаришлар сонига нисбатан фоизларда келтирилган (1-расмга қаранг).



1-расм. Малакали оғир атлетикачиларда турли хил тайёргарлик циклларидаги умумий юклама ҳажмининг (ШКС %) нисбатлари

Изоҳ 2: ТЦ- тайёргарлик цикли. МОЦ- мусобақа олди цикли

Тайёргарлик циклида мусобақа машқларида - 19,7%ни, шундан даст кўтаришда - 10,1%ни ва махсус ёрдамчи машқларда - 69,0%ни ташкил этди. Бу эса айнан саккиз ҳафталик тайёргарлик циклида махсус ёрдамчи машқларга катта эътибор берилганидан далолатдир. Мусобақа олди циклида махсус ёрдамчи машқлардаги машғулот юкламаси камайтирилиб, ундаги

юклама мусобақа машқларига тақсимланди. Демак, мусобақа машқларига - 59,6%, шундан даст кўтаришга - 29,3% ва махсус ёрдамчи машқларга - 40,4% ажратилди. Ўрганиб чиқилган адабиётлардаги малакали оғир атлетикачилар учун тавсия этиладиган нисбатга мос келади.

Диссертациянинг **“Малакали оғир атлетикачиларда даст кўтариш техникасини такомиллаштириш услубиятининг самарадорлигини асослаш”** деб номланган тўртинчи бобда тадқиқот синалувчиларининг техник ва жисмоний тайёргарлик даражаси ўсиш динамикаси ҳамда мусобақада даст кўтариш натижасининг ўсиш кўрсаткичларининг ўзаро қиёсий таҳлили келтирилган.

12 ҳафталик педагогик тажрибага жалб қилинган малакали оғир атлетикачилардан иборат назорат (НГ) ва тажриба (ТГ) гуруҳларининг жисмоний ва техник тайёргарлиги, спорт натижаларининг ўзаро қиёсий таҳлилининг натижалари баён этилган.

Тажриба бошида иккала гуруҳ синалувчиларида жисмоний, техник тайёргарлик ҳамда спорт натижалари бўйича олинган кўрсаткичлар бир-биридан фарқ қилмади.

Тажриба давомида НГга жалб қилинган оғир атлетикачилар анъанавий мазмундаги машғулотларда шуғулланишни давом эттиришди. Тажриба гуруҳи даст кўтариш машқини бажариш техникасини такомиллаштиришда турли шиддат зоналари бўйича махсус-ёрдамчи машқларнинг машғулот юкламаларини оптимал тақсимлаш асосида ишлаб чиқилган машғулот режаси асосида мунтазам шуғулланиб борди.

Белгиланган машғулот юкламалари ўн икки ҳафта давомида амалга оширилгандан кейин иштирокчиларнинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди (2-жадвалга қаранг).

Назорат гуруҳининг А₁ ва А₂ гуруҳларида танани ёзувчи мушаклар кучининг ва оёқларни ёзувчи мушаклар кучининг ўсиши статистик ишончли ($p < 0,05$). Бироқ “ХМ-tren” тренажериди кўлларни букиб тортиш кучининг ўсиши ва сакровчанлик қобилиятининг ўсиши статистик ишончли эмас ($p > 0,1$). Бу шундан далолат берадики, машғулот жараёнида А₁ ва А₂ гуруҳларидаги спортчиларда кўпроқ оёқларни ёзувчи ва танани ёзувчи мушакларнинг куч имкониятлари такомиллаштирилган, аммо сакровчанлик қобилиятига (портловчан куч) ва кўлларни букиб тортувчи мушак кучини оширишга эътибор қаратилмаган.

Тажриба гуруҳининг Б₁ ва Б₂ гуруҳларида ўзгаришлар биров юқорирок. Б₁ ва Б₂ гуруҳларида тортиш машқида танани ёзувчи мушаклар кучи ва оёқларни ёзувчи мушаклар кучи ҳамда юқорига сакрашда сакровчанлик қобилиятининг ўсишлари фарқи статистик ишончли ($p < 0,05$). “ХМ-tren” тренажериди туриб кўлларни букувчи мушаклар кучининг ўсиш фарқи статистик ишончли бўлди ($p < 0,01$). Шундай қилиб, танани ёзувчи ва оёқларни ёзувчи мушаклар кучи натижаларининг ўсиши билан бирга, кўлларни букувчи мушаклар кучи, шунингдек, сакровчанлик (портловчан куч) қобилияти ошди.


Педагогик тажриба давомида тадқиқот гуруҳларининг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари қиёсий таҳлили (n=32)

Тадқиқот гуруҳлари	Назорат машқлари	Статистик кўрсаткичлар						Дастлабки кўрсаткичга таққосланган-да ўсиш %	t	p	
		Тадқиқот бошида			Тадқиқот охирида						
		\bar{X}	σ	V, %	\bar{X}	σ	V, %				
А ₁	Даст кўтаришда тортиш (кг)	125,4	7,8	6,27	134,1	6,2	4,60	8,8	7,0	2,47	<0,05
	“ХМ-теп” (динамометрия)	95,4	6,6	6,95	100,4	5,9	5,87	5,0	5,2	1,59	>0,1
	Штанга билан елкада ўтириб туриш (кг)	152,5	5,4	3,55	160,0	6,4	3,99	7,5	4,9	2,53	<0,05
	СПОРК (см.)	53,6	4,7	8,84	57,0	4,9	8,63	3,4	6,3	1,39	>0,1
А ₂	Даст кўтаришда тортиш (кг)	143,7	6,2	4,31	152,0	7,6	5,03	8,3	5,7	2,37	<0,05
	“ХМ-теп” (динамометрия)	105,1	4,3	4,05	108,9	4,6	4,24	3,8	3,6	1,69	>0,1
	Штанга билан елкада ўтириб туриш (кг)	170,6	5,6	3,30	179,7	7,1	3,93	9,1	5,3	2,86	<0,05
	СПОРК (см.)	54,5	5,2	9,49	58,7	4,6	7,79	4,3	7,8	1,74	>0,1
Б ₁	Даст кўтаришда тортиш (кг)	125,1	5,2	4,18	134,6	8,50	6,31	9,5	7,6	2,69	<0,05
	“ХМ-теп” (динамометрия)	95,4	7,7	8,10	110,5	8,0	7,23	15,1	15,9	3,85	<0,01
	Штанга билан елкада ўтириб туриш (кг)	150,1	8,2	5,49	160,8	7,72	4,80	10,8	7,2	2,70	<0,05
	СПОРК (см.)	53,2	5,0	9,38	60,1	5,3	8,82	6,9	12,9	2,67	<0,05
Б ₂	Даст кўтаришда тортиш (кг)	142,8	8,5	5,96	152,7	8,4	5,79	9,9	6,9	2,27	<0,05
	“ХМ-теп” (динамометрия)	103,7	9,1	8,76	121,5	9,5	7,79	17,8	17,1	3,83	<0,01
	Штанга билан елкада ўтириб туриш (кг)	166,5	9,3	5,59	178,9	9,09	5,08	12,4	7,4	2,69	<0,05
	СПОРК (см.)	53,6	5,2	9,69	61,7	6,0	9,84	7,4	13,8	2,63	<0,05

Изоҳ 3: А₁, Б₁ - техник маҳорати мезони юқори бўлган техник турдаги гуруҳлар ва А₂, Б₂ - техник маҳорати мезони паст бўлган куч турдаги гуруҳлар


Шуни эътироф этиш жоизки, оғир атлетикачи учун муҳим жисмоний сифатлардан бири ҳисобланган мушакларнинг мутлақ кучини тарбиялашда куч хусусиятига эга машқлар (тортишлар ва ўтириб-туришлар) улушини 20% гача камайтириш, сакровчанлик (портловчан куч) қобилиятининг ривожланишига таъсир қилувчи юқорига сакраш машқига ажратиш ва кўлларни букувчи мушаклар кучини ривожлантириш учун мунтазам равишда “ХМ-tren” тренажерини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотдан кўриниб турибдики, назорат ва тажриба гуруҳларининг техник ва куч турдаги гуруҳларининг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини қиёслаш натижасида уларнинг ўртасидаги натижалар бироз фарқланди (2-, 3-расмларга қаранг).



2-расм. Техник турдаги гуруҳлар ўртасида жисмоний тайёргарликнинг ўсиш кўрсаткичлари

Назорат ва тажриба гуруҳларининг техник турдаги спортчиларида танани ёзувчи мушакларнинг куч ва оёқ мушаклари кучининг имкониятлари деярли бир хил ривожланган, уларнинг ўртасидаги ўсиш фарқи танани ёзувчи мушак кучи 0,6%га, оёқларни ёзувчи мушаклар кучи 2,3%га тенг бўлди. Бироқ қўлларни букувчи мушаклар кучининг ўсиши ўртасидаги фарқ 10,7%, юқорига сакрашда сакровчанлик қобилиятида 6,6%ни ташкил қилди.



3-расм. Куч турдаги гуруҳлар ўртасида жисмоний тайёргарликнинг ўсиш кўрсаткичлари

Куч турдаги гуруҳларда танани ёзувчи мушаклар кучининг ўсиш фарқи 1,2%ни, оёқларни ёзувчи мушаклар кучи ўсиши 2,1%ни ташкил қилди. Аммо қўлларни букувчи мушаклар кучининг ўсиш фарқи 13,5% ва юқорига сакрашда сакровчанлик қобилиятида фарқ 6,0%ни ташкил қилди. Танани ёзувчи ва оёқларни ёзувчи мушаклар кучларининг ўртасида кичик ўсишнинг фарқи иккала гуруҳ иштирокчилари ўқув-машғулотида деярли бир хил: улар тортиш ва елкада штанга билан ўтириб-туриш машқларини бажаришган, фақат тажриба гуруҳида ШКни 5-6-шиддат зоналарида бажариш билан фарқланган.

Қўлларни букувчи мушаклар кучи ва сакровчанлик қобилиятининг ўсишидаги бундай катта фарқ назорат гуруҳининг машғулотида қўлларни букувчи мушаклар кучи ва сакровчанлик қобилиятининг ривожланишига таъсир қилувчи махсус машқлардан фойдаланмаслик сабабли кузатилди.

Тажриба дастурида белгиланган машғулоти юкламалари оғир атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасига ижобий таъсир кўрсатганлиги сабабли уларнинг техник маҳоратини акс эттирувчи тавсифларда ўзгаришлар рўй берди.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, оғир атлетикачиларнинг техник маҳоратини аниқлаш учун шиддат зоналари бўйича штангани кўтариш баландлигини қараб чиқиш лозим. Спорт-техник маҳорат даражаси ошиб бориши билан машқлар бажаришда кучланишлар оқилона тежала бошланади. Даст кўтаришда A_1 ва A_2 гуруҳларидаги оғир атлетикачиларда штанга кўтариш баландлигидаги фарқ фақат 81% вазндан бошлаб камайиб боради, B_1 ва B_2 гуруҳларида эса штанга кўтариш баландлигидаги фарқ сезиларли ортади. Агар штанга кўтариш баландлигини тажриба иштирокчилари бўйича нисбатан % ларда ифодаласак, штанга вазни ошиб борган сари (81-90%, 91-100%, 101% ва ундан юқори) оёқнинг ёзилиш бурчаги ($^{\circ}$) пасайиб боришини кўрамиз (3-жадвалга қаранг).

Назорат гуруҳининг техник турдаги A_1 гуруҳидаги оғир атлетикачиларнинг дастлабки кўрсаткичига нисбатан уларнинг ўсиш фарқи 4-шиддат зонасида 2,0 см., 1,2%га, 5-шиддат зонасида 2,0 см., 1,2%га ва 6-шиддат зонасида 1,5 см., 0,9%га, куч турдаги A_2 гуруҳидаги оғир атлетикачиларда дастлабки кўрсаткичига нисбатан уларнинг ўсиш фарқи 4-шиддат зонасида 2,9 см., 1,7%га, 5-шиддат зонасида 2,9 см., 1,7%га ва 6-шиддат зонасида 2,0 см., 1,2%га ошди. Ўсиш натижаси барча шиддат зоналарида ишончсиз ($p > 0,2$). Тажриба гуруҳининг техник турдаги B_1 гуруҳида дастлабки кўрсаткичига нисбатан уларнинг ўсиш фарқи 4-шиддат зонасида 5,5 см., 3,2%га, 5-шиддат зонасида 6,1 см., 3,5%га ва 6-шиддат зонасида 6,3 см., 3,5%га, B_2 гуруҳида ўсиш фарқи 4-шиддат зонасида 6,1 см., 3,5%га, 5-шиддат зонасида 7,1 см., 4,1%га ва 6-шиддат зонасида 8,9 см.га 5,1%га ошганлиги кузатилди. Ўсиш натижаси барча шиддат зоналарида ишончли ($p < 0,05$).

